

## ЭНДИ МУАММО БЎЛМАС...

Укувчилар омушларим билан шуғулланиб ўтирган эдим, эшик очилиб 5-6 нафар ўкувчи кириб келли.

- Муқаддас опа, тўплаган қоғозларимизни топширишда энди қийналмайдиган бўлдик, — деди улардан бири қўлидаги «Тонг юлдузи» газетасини кўрсатиб.

Газетани олиб, кўз югур-тирдим. Тўпланган қоғоз чикиндиларини топшириш ҳа-кида курсатмалар берилганлиги нур устига нур булибди. Чунки, авваллари хам мактабимизда қоғоз чиқиндилари тупланар, лекин махсулотни керакли жойларга топшира олмай овора бўлар эдик. Тўпланган қоғозлар ём-гир-кор остида қолиб кетар-ди. Мехнатларининг бундай «самара»сини кўрган болаларнинг хам хафсаласи пир

Газетадаги мухим ташаббусга қушилган мактабимиз кувчилари шу куниёк ишга киришиб кетдилар. Юрчи ешлипосёлкасидаги турли лар отряди аъзолари 10 кун ичида 1 тоннага якин когоз чикиндилари йигишга улгу-

Мукаддас БОБОКУЛОВА, Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги 17-мактаб-нинг Болалар ва Усмирлар



ТУПЛАНГАН ҚОҒОЗ ЧИҚИНДИЛАРИНИ БЕЛГИ-ЛАНГАН МАНЗИЛГА ЭЛТИШ ҚУЙИДАГИ ТАРТИБда амалга оширилади:

- 1. Барча мактабларда йнғилган қоғоз аввал туман халқ таълими булимларига келтирилиб, сунг уюшган қолда ви-лоят халқ таълими булимларига жунатилади.
- 2. Вилоят халқ таълими булимларидаги тайинланган вакиллар йигилган қогозларии Наманган вилоятининг Поп туманига жунатиш учун ўз жойларидаги темир йул булинмасига керакли вагонга буюртма берадилар. Буюртма хар сафар навбатдагв ойнинг биринчи кунига, кечи билан 15 кун қолганда берилади. Масалан, 15 апрель куни май ойн учун, 15 май куни июнь ойн учун ва хоказо
- 3. Вагон буюртма қилиш қоғозы «СТ.Поп САЗ жд. код. 734501 к-т. «Узбеккровля» код. 3065. п. Исковут-19. Поп тумани, Наманган вилояти», деб тулдирилади.
- Топширилган қоғоз чиқиндиларининг ҳар бир кило-граммига 1 сум, бир тоннасига 1000 сум миқдорида ҳақ
- 5. Ингилган қоғоз чиқиндиларини белгиланган жойга элтиш учун юк машиналарини хужалик рахбарларидан ёки оталик ташкилотлардан олишингиз мумкин. Барча транспорт харажатларингизин «Узбеккровля» комбинати тулайди. Қоғоз чиқиндилари келтирилган машиналарда вакиллар ўз хужаликларида ишлатиш учун «Узбеккров-ля» комибинатидан келишилган нархда рубероид олиб

### БОҒОТЛИКЛАР БИРИНЧИ

«Тонг юлдузи» газетаси бошлаган «Когоз» операциясини Узбекистон Ешлар Иттифоки Богот туман кумитаси биринчилардан булиб қуллаб-қувватлади, ҳамда қоғоз туплаш 15 кунлиги эълон килинди. Операция голибларини мукофотлаш учун эса 500 сум микдорида пул ажратилди. Қоғоз чиқиндилари туплашга уюшқоқлик билан киришишган тумандаги 27 та мактаб ўкувчиларининг туплаган хом ашёси 15 кун мобайнида 12 тонна 660 килограммдан ошиб кетди. — Қоғоз чиқиндилари тўплаш 15 кунлиги нихоятда уюшқоқлик билан ўтди, — дея хикоя қилади Ешлар Иттифоқи Боғот туман қумитасининг саркотиби Уктамбой Рўзиев. — Тўпланган махсулотни ташио келтириш ва топширишда хеч қандай қийинчиликлар бўлмади. Бу мухим ишга ажратилган юк машинамиз ўн беш кун давомида ўқувчилар ихтиёрида бўлди. Шуни қувонч билан айтишим керакки, қоғоз туплашда қумитамиз ходимлари ҳам фаол иштирок этишди. Улар 356 килограмм қоғоз туплаб. ўкувчиларга ўрнак бўлишди.

Шундай қилиб, «Қоғоз» операциясининг биринчи бос-қичи якунланди. Ғолиблар аниқланди. Улар жуда купчилик. Ворошилов номли мактабнинг 6-синф укувчиси Улуғбек Жуманиёзов 210 кг. Улугбек номли мактабнинг 6-синф ўкувчиси Равшан Мадримов 160 кг. Ленин номли мактаб ўкувчиси Бахром Матёкубов 140 кг. қоғоз чиқин-диси тўплашиб голиб бўлишди ҳамда пул мукофоти би-лан такдирланищи.

Қоғоз туплаш давом этмоқда.

х. жабборов. Хоразм вилояти.



## «Коғоз» операциясининг барча

## иштирокчилари диккатига!

## ЧАРМ **КУЛКОПЛИ** РУФАТ

**Шоназар** рузномасида ака «Спорт» пор этилган машхур боксчи Руфат Рискиев билан булган сухбатии ўкиб тугатгач, унинг ёнида ўтирган ўрли Руфат хомуш

— Ахир, спортчи касал бўлмайди, дегандингиз-ку?
— У шунчаки бетобланган эмас, — тушунтира бошлади Шоназар ака ўғлига, — катта-катта олишувларда қул лат еган. Хатто, бир қули зирқираб оғриётган пайтда хам у рингни ташлаб кет-масдан ракиби устидан голиб чиққан. Ана шундай мардонавор бокс олишувлари Руфат Рискиевни бутун жахонга танитди. Машхур боксчи қилди. Құша-құша совринлар соҳиби этди. Энди у даволаниб олиши, сунгра эса уз бокс сирларини ёшларга ургатиши керак. Руфат Рискневнинг соғайиб кетиши учун жуда күп миқдорда пул зарур. Мана энди унинг учун улуы рур. Мана энди унинг учун хисоб раками очишибди. Энди саховатли одамлар Руфат акангга ёрдам пули юбора бошлашди.

Бўлмаса биз хам юборайлик? — ялинди Руфат.

- Аллақачон 200 сўм пул ўтказиб келдим.

Демак Руфат акам тузалиб кетар эканлар-да? - Албатта тузалади. Хали рингга хам чикади.



— Ур-ра... қувончдан кичкириб юборди Руфат чарм қулқопини олганича ташқарига чиқиб кетди... Руфат Хужақов Хоразм ви-

лоятининг Богот туманидаги Дехконбозор килогида яшай-ди. Кишлокиниг «Урта» махалласида истикомат килувчи каттаю кичик уни «Жажжи боксчи» деб чақиришади. Руфат дали эндигина 7 ёшга

тўлаянти. У ёш бўлишига қарамасдан дўстлари билан тез-тез бокс тушиб туради.

— Мен машхур бокс уста-си Руфат Рискиевнинг ашаддий ишкибозларидан бири эдим, — дейди Руфатнинг отаси Хўжоков. — Унияг хар бир рингдаги бахсини диккат билан кузатиб борардим. Руфат Рискиевнинг маглуб булишини хечам истамасдим.

Унга мехрим баландлигидан ўғлимга Руфат деб исм қўй-

Шоназар аканинг руёбга чиксин. Илоё Руфат вақти келиб жақон таныган Руфат Рискиевдек машқур боксчи булиб етишсин!

Худойберган ЖАББОРОВ. Суратда: етти яшар боксчи РУФАТ ХУЖОКОВ.

## БИР ХАФТАДА 500 КИЛОГРАММ

«Тонг юлдузи» газетаси сахифасида «Қоғоз» операцияси эълон килингач синфимиз ўкувчилари билан ўзаро мусобақалашиб, қоғоз туплашта киришдик. Синфдош-ларим Саъдулла, Шахноза, Мукаммал хамда Нилуфар билан биргаликда уйимиздаги кераксиз қоғозларни мактабга келтирдик. Харакатимизни кузатиб турган қўни-қўш-ниларимиз хам уйларидаги кераксиз қоғозларни чиқариб беришди. Синфимиз ўқувчилари билан йиғган қоғозимиз бир ҳафтада 500 килограммдан ошиб кетди. Бу албатта яхши! Лекин

хали марра эмас. Икромжон СУЛАИМОНОВ, Фаргона вилояти, Узбекисон туманидаги 1-мактабнинг

8-синф ўкувчиси.

### **ҒОЛИБЛАРНИ** МУКОФОТЛАР KYTMOKILA!





### ХАЛҚИМИЗ БАХТИ

Шу йил 2 март куни соат 14 да Наманган вилоятининг Наманган туманидаги «Зарбдор» жамоа хужалигида улкан нефть фаввораси отилиб чикди. Нефтии «кора олтин» дейишади. «Оқ олтин» и билан донг таратган юртимиз шу кунларда ёнилғидан андак танқислик сезаётган эди. Шу бонс оталаримиз қора мойли суюқлик юз-кузларига ланаётганига эътибор килмай, вулкон булиб кукка отилаётган улкан фавворанн тезрок жиловлаш пайида бўлмок-

С. МАХКАМОВ суратта олган.

### І ТУР ГОЛИБЛАРИ

«Тонг юлдузи» газетасининг шу йил 1 февраль сонида АФИМнинг I тур саволлари эълон қилинган эди. Шу вақт мобайнида мухарририятимизга сиз, азиз ўкувчилардан жуда кўплаб мактублар келди.

Физика, математика фанларидан олган билимларингиз-ни янада мустахкамлаш, буш вактларингизда ечишингиз учун мулжаллаб берилаётган саволларимизга жавоб йул-лаган барча укувчиларга миниатдорчилик билдирамиз. Лекин жавобларнинг аксарнят қисми тўлиқ бўлмаганлиги сабабли уларнинг ичидан иккала фан бўйича тўгри жавоб йўллаган ўкувчилар голиб деб топилди: Музаффар Собиров (Қорақалпогистон жумхурияти, Хў-

жайли туманидаги 23-мактаб укувчиси), Дилафруз Давронова (Самарканд вилояти, Окдарё туманидаги Горький номли 12-мактаб укувчиси), Шухрат Шомуродов (Навоий вилояти, Кизилтепа туманидаги Ал-Хоразмий номидаги

**ГОЛИБЛАРНИ КУТЛАИМИЗ!** Куйнда навбатдаги II тур саволларини эътиборингизга хавола киламиз:

## нима қилмоқ керак?

1. Тез хисобланг 80 (819+818+817.... +812 82)+1=? ёшда. Угил отасидан қачок 2 марта ёш бўлади?

### ФИЗИКА БУИИЧА

1. Тахланган катта ўтинлар арраланган, ёрилган ва яна тахланган. Тахланган ўтинларнинг иккала холатдаги хажмини солышта. 2. Нима учун темирчининг

II тур саволларини Тошкент шахридаги 249-мактаб ўкитувчилари Ш. Мамажонова хамда М. Ранмова тайёрлашган.

сандони хамма вакт салмокли қилиб ясалади? Сандон-

нинг массаси одатда 50 кг дан кам бўлмайди. З. Чўмилиш пайтида кам-

рок қаршилик сезиш учун

4. Нима учун арқонда иш-

қаланиб тез тушиш хавфли?

ІІ ТУР САВОЛЛАРИ

Узбекистон Болалар ва Усмирлар Уюшмаси, Узбекистон Ешлар Иттифоки, «Сервеко» қушма корхонаси томонидан уюштирилган болаларнинг «Мехрибонлик» жумхурият хайрия фестивали 19 март куни пойтахти-мизнинг «Бахор» концерт залида булиб ўтди. Бу ҳайрия фестивалига худудимизнинг турли вилоят

ва туманларидаги ногиронлар махсус мактабларидан ўкувчилар келишди. Улар ўзлари билан биргаликда мехнат дарсларида ва дарсдан буш вақтларида тайёрдан оуш ваңтларида танер-лаган хар хил ижод намуна-ларидан олиб келишиб, кургазма залига қуйишди. Булар учун алохида дас-турхон ёзилди, тановвул қи-линди. Ташқарида бир соат-



## ИСТАРДИККИ, СЎНГГИСИ БЎЛМАСИН!





лик қизиқарли ўйин ташкил этилди. Биз сизларни бахор




байрами билан қутлаймиз, дея «Сервеко» корхонаси раиси Баходир Саидазимов, Узбекистон Болалар ва Усмирлар Уюшмаси ранси М. А. Рахимбердиева, Узбе-кистон Ешлар Иттифоки Марказий Құмитасининг биринчи котиби А. Орзиматов рянчи котион А. Орзиматов саройга тўпланган ногирон болаларни табриклашди. — Бу биринчи фестиваль. Истардикки, охиргиси бўлма-Шундан сўнг фестиваль дас-

туридан ўрин олган «Қарс», «Шум бола» ансамблари, Гиёс Бойтоев, Оролмирза каби севимли хонандалар ўзларининг қўшиқларини ўкувчитаруся тампим атмили ларга такдим этишди.

Фестиваль охирида ногирон болаларга жамғарма хисобидан ажратилган эсдалик сов-

ралар улашилди.
Ш. СУННАТОВ.
Р. АЛЬБЕКОВ суратта туширган.



мида ёзинг.

a0 1

2. Исботланг!

4. 37 ни 5 та уч ёрдамида

математика бунича

5. Ота 29 ёшда, ўгли 8

КУЧАТ УТКАЗ, БОГ ЯРАТ!

Улкамизда бахор. Дарахтларда куртаклар ниш уриб, хар тонг кушлар сайраб бахордан шодланмокда. Шу кунларда мевали ва манзарали дарахт кучатлари утказиш, гуллар экиб, ўлкамизни богу-роглар диёрига айлантириш биринчи галдаги вазифа саналядн.

Далаларда жонланиш, дехкой даласини, богбой богларини согиниб ошикади. Сна ўкувчилар хам, ота-боболарингиз ёнига кириб бирорта дарахт кучатини экишга улгургандирсиз. Экдингизми, жуда яхши! Демак, ўлкамизнинг яшнаб, янада гузаллашишига ўз хиссангизин кушибсиз. Улгурмаган булсангиз, хали хам кеч эмас.

Биз шундай бир ажиб диёрда яшаймизки, ўлкамизнинг гузаллинига, ерларимизнинг унумдорлигига, иклим шаронцимнзга хавас килишада, Уни инада куркам цилиш, кукаламзорлаштириш эса сиз билай бизнинг кулимизда. Авваллари шахар жойларида фацат манзарали дарахтлар экишга купрок эътнбор берилар эди. Халкимизда ажойнб бир удум булган. Онлада ўгил турилса, фарзандимиз ўснб-улгайсин, уйли-жойли булсин дея терак экилган, киз тугнлганда эса, серфарзанд, сердавлат булсин дея ният кунлари ўтказылгай лат булсин дея ният қилиниб, тол хамда мевали дарахт кучатлари ўтқазилган.

кучатлари утказилган.
Аждодларимиз, ота-боболаримиз удумлари, анъаналарини давом эттириш, биз фарзандлар учун фарздир.
Шундай экан, азиз ўкувчилар устоэларингиз маслахатларига таяниб хар бирингиз бир тупдан кучат ўтказсангиз, диёримиз куркамлашиб, хаво мусаффолашади.
Мактабларингиз боглари, ховлилари, тевараки-атрофи,

махалла ва кучаларингизда бахорги кучат экиш ойлигииниг қандай ўтаётганлиги, бу ибратли тадбирларда тенгдошларингиз иштироки, сизларга бошчилив катталар, устозларингиз хакидаги макола, хабар ва хатларингизни кутамиз. Бахор шоширмокда. Фурсатни бой бермай, кучат экайлик.

### яхшидан боғ

Мактабимиз ховлиси синфларга тажриба майдони си-фатида таксимлаб берилган. Унда ўкувчилар биология фанидан олган билимларини мустахкамлаш билан бирга

фанидан олган ойлимларини мустахкамлаш ойлан ойрга устозлари рахбарлигида мехнат цилишади. Эрта бахорданоц ўқувчилар ўз майдонларида юмушларни бошлаб юборишди. Укувчилар даставвал майдонларини яхшилаб тозалашди, ерларни бир текисда чопиб, махаллий ўгит сепишди. Уюшкоклик билан цилинган мехнат самараси кунлар илиши билан яққолроқ сезилмоқда. Мактабимизнинг XI «А», XI «Б» ҳамда X «А» синфи ўқувчилари мевали ҳамда манзарали дарахт новдаларини текислаб, ерларини чопиб, ўтитлаш каби ишдаларини текислас, ерларини чопио, угитлаш каон иш-ларин бажаришда бошқаларга намуна бўлишаётган бўл-са, қолган синф ўқувчилари ҳам ўз богларининг янада кўркам бўлишига, мактабимиз ҳовлиларининг обод бў-лишига ҳисса қўшишга интилишмоқда.

Барнохон ХОШИМОВА, Фарғона вилояти, Бешариқ туманидаги 5-мақтаб ўқувчиси.

### ГИЛОС ЭКДИК

Биз шахарда яшаймиз. Унча катта бўлмаган ховлимиз бор. Шундай бўлса хам хар йили бахор ойларида ховлимизга бобом, дадамлар сабзавот экинлари экишар эди. Утган йили хам экинлар экишди, лекин нимагадир улар кукармай, ковжираб куриб кетди. Бобомнинг айтишича, еримиз кучсизланиб колган эмиш. Ерга яхшилаб ишлов, бирор йил дам бериш лозим экан. Бу йил эса бахор келиши билан бобом аллақандай дарахт кучатлари кутариб келдилар:

— Болаларимга бир гилос экиб берай.

Вобом кучат экдилар, мен эса сув қуйиб турдим.

С. ЖАЛИЛОВ. Тошкент шахри, Нозимахоним кучаси.



далар. Ховузлар қазилиб, нефть махсулотлари ташийдиган махсус автомашиналар ундан нефть тортиб Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводига элтишмоқда. Мутахассислариниг аниқлашларича, кунига фавворадан турт-беш минг тоннага яқин нефть олинаётган экан.

ЮРТИМИЗДА ҚОЛМАСИН ДАШТ—ЧЎЛ



## **БОБОНИНГ** *FAЙРАТИ*

Қишлоғимизнинг ажойиб — Кийикчи, Одамажонио — киникчи. Одам-лари 93 бахорни кўрган Хол бобо хамда умр йўлдоши Зумрад момони яхши тани-шади. Бу инсонлар ўзлари-нинг 38 нафар невара хамда 24 чеварасининггина эмас, 24 чеварасининтина эмас, бутун қишлоқ ахлининг ар-докли бобоси, момоси. 70 йилдан купроқ вақт чупон-лик қилиб, сурув кетидан юрган Хол бобо хозирги кунда қарилик гаштини сураётган бўлишларига қарамай, бирор кун уйда зери-киб, мудраб ўтирганларини курмайсиз. Хамиша хамқишлоқлар даврасида. Бирор туй-хашам, йиғин, маросим йуқки, табарруу тун-ҳашам, ийғин, маросим йўқки, табаррук қариялар-нинг маслаҳат ва йўл-йўриқ-ларисиз ўтса. Давралари-мизга кўрк, файз бағишла-

- Куклам келди, болажонларим, — дея сўз бошлайди Хол бобо ажиб бир энтикиш билан, — бу ши-жоаткор, серғайрат фасл. У дангасалик, ишёқмасликни ёқтирмайди. Ғайрат қилинг-

лар... Хар йилгидек бу йил хам биринчи дарахт кучатини Хол бобонинг узлари экиб

бердилар.
Зилола ва Дилиоза
ПИРИМКУЛОВА, Қашқадарё вилояти, Улья-нов туманидаги 21-мак-таб ўкувчилари.

илондир.

Брянск шахри циркининг артистлари Елена ва Михаил

Львовлар хонадонида истико-

мат қилувчи ҳайвонларнинг

энг юввоши — илондир. Узуилиги уч метр, огирлиги юввоши ---

25 килограмм бўлган бу ул-

кан хайвондан Елена ва Мн-

хаилнинг фарзандлари сира

куркишмайди. Султон деб аталган илон ойда икки мар-

та ўзига жуда маъкул бўлган

машғулот билан банд бўлади — сичкон овлайди. Султон

ваннахонада чумилишни хам

Суратда: Львовлар хонадо-

ни «эркаси» — Султон ило-

ИТАР - СИТА сурати.

жуда ёктиради.



### ХАТ ВА ИНСОН ТАКДИРИ

Ушбу мактуб газетамизнинг ўтган йили 23 ноябрь сонида «Хақиқат қарор топсин...» сарлавхаси билан эълон килинган эди. Биз уни нашр этарканмиз, тегишли ташкилотлар бир-икки ой ўтиб, ўз муносабатларини билдиришар, деган умидда здик. Афсуски... Мурғак қалб изтиробидан ларзага тушган бирон бир куюнчак кишидан мактуб олмадик. Собирнинг мактубига шубҳа аралаш қарадик. Бу шубха бизни Сурхондарёга етаклади, барчасига ўзимиз шохид бўлмокчи бўл-

Одатда газетага жуда кўпчилик нажот истаб мурожаат қилади. Улар ўзларига нисбатан нохаклик булганлигини, текшириб, ҳақиқатни тиклашни илтимос қилишади. Шунда газета ҳақиқатни тиклайдиган қозихона эмас-ку, деб ўйлаб қоласан. Бироқ мактуб ортида ўзига бурч деб тушунибди? Аслида нима тап ўзи? Мухарририятимизга мактуб йўллаган фарзанд кай адолатсизликни

### Т. АБДУНАЗАРОВ НЕГА ишдан олинди!

Т. Абдуназаров 1986 йил 19 октябрь куни Бойсун туман халқ суди вазифасига тайин этилади. 1990 йил халқ судьялигига қайта сайлов ўтказиладию бирок вилоят адлия бошқармаси ва вилоят суди ходимлари таъсирида унинг номзоди курсатилмайди. Нега?

Унга қуйилган бир неча ноқонуний айбларнинг тўғри эмаслигини, уларнинг хаммаси хасадгуйлик окибати эканлигини ошкора айтмок ниятида Т. Абдуназаров вилоятда чоп этиладиган «Ленин байроғи» (хозирда «Сурхон тонги») газетаси оркали вилоят адлия бошкармаси бошлиғи вазифаўтаётган Ч. Аллаёровга, X. Мухаммадиевга ва вилоят судининг раиси Ш. Жумаевта «Очик хат» тайёрлайди. Бирок, бу хат газетада чоп этилмайди. Сабабини билиш максадида вилоят мухарририятига йилнинг 6 мартига қадар давом эттирган».

Ушбу расмий мактуб Т. Абдуназаровнинг «Сурхон тонгги»? «Очиқ хати»га жавобан тайёрланган ва газетанинг 8 январь сонида эълон килин-

Энди қаранг, шу газетанинг 15 февраль сонида вилоят кенгашининг сессиясида вилоят суди раиси Ш. Жумаев-нинг хисоботи баён этилган бўлиб, унда «Сайловчилар-нинг ишончини оқламагани учун Бойсун туман халқ судьяси Т. Абдуназаров муддатидан олдин чакириб олинди», деб курсатилган.

Адлия вазирлиги шу идоралар бошкармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи А. Алимухамедов ўз жавоб хатида Т. Абдуназаровнинг чакириб олинишини 1990 йилнинг 6 мартига қадар деб курсатади. Бунга сабаб, «сайловчиларнинг берган овози», яъни ўз раислик ишини давом эттиришини талаб қилишади.

Вилоят суди раиси эса Т. Абдуназаровни «Сайловчилар

ганимда жиғибийрон булиб «Азимовнинг сен билан ишлашга хохиши йўк» дедилар. Бу нимани англатади? Халқ судьяларининг ўзлари қонунни бузиб, жиноят килиб туришса, хохиш, хохламаслик майллари билан иш куришса, улар чикараётган адолатли конун қандай булиши мумкин?

Мен аризамни (ўз хохишим билан ишдан бушаш хақидаги) оқибатсиз қолдиришларини сўраб ариза ёзаман, дедим. Шунда X. Мухаммадиев: «Мен Азимовга (хурматли одам) нима деб жавоб бераман?» деб бақириб юбордилар.

...Тушликдан қайтсам ишдан бушатилганлигимни ўзи айтди. Эрнимга Азимовни куйибди. Шундай килиб, 1990 йилнинг 29 декабрь куни ишдан бўша-тилдим. Менинг халқ судидан илтимосим: Вилоят адлия бош-кармаси бошлиғи Х. Мухаммадиевнинг бу иши тўғрими, эгаллаган мансабига лойикми, йўқми, хал этиш учун хусусий ажрим чикариб, адлия вазирлигига юборишингизни сўрай-

Бу иш 1991 йилнинг февраль (4 кун) ойида Термиз шахар халқ судининг раиси 3. С. Катаева, халқ суди маслахатчилари Амиркулов, Ха-санова ва Сафарова иштирокида кўриб чикилиб, якуний қарор қабул қилинди.

ҚАРОР: Баходир Асқаров 1990 йилнинг 29 декабридан адлия бошкармасининг суд ишлари буйича катта консультанти вазифасига қайта тиклансин. 29 декабрдан 4 февралгача (1991 йил) бўлган иш хаки — 365 сум Б. Аскаровга адлия бошқармаси хисобидан тулансин.

Куриниб турибдики, сабдор шахснинг (!) берган ваъдаси хар кандай конунларингиздан устун, хохланг, хохламанг у киши қонунни бу-зишга ҳаққи бор. Нега булмасин, ўзи хукук-тартибот ор-ганларида ишлаб туриб-а? Бузади ва яна ўз билганича (нари борса бир хайфсан билан) тўғрилаб қўяди. Мехрибонлик билан давлат хисобидан маош хам тулайди.

Лекин бу осонликча кечмайди. Жабр курган каттакичик идораларнинг эшигини тақиллатса, «жабр кўрсатган» катта-кичик танишларини ишга солиб, ҳақиқатнинг лойқа тубида қолаверишига тиришади. Қоғозбозлик, сўзбўямачилик авж олади.

 — Мухбир ака, — деб охиста сўрайди Собир, — сиз келибсиз, отам кайта ишта тикланадими, демак, уларга хам

тегишли чора куриларкан-да? Собир ука, сенинг бу саволингга жавоб бериш андак мушкул. Лекин биз хам сен истаганчалик (ишкилиб бу орзуга айланиб кетмасин-да) адолат булишининг тарафдоримиз. Сен назарда тутаётган кишиларнинг хам купчилиги ўз-ўзларига шукроналар айтиб, ўзларини Виждон суровидан утказишиб, энди бошкача йўналишда ишлашни ўйлашаётирлар. Отангни қайта ишга тикланишига келсак, юкорида санаб ўтилган фактларга таяниб, махаллий судлов идоралари қандай хукм чиқаришларига боғлиқ булиб қолаётир. Ишонамизки, сен, оила аъзоларинг ва кишлокдошларингу вилоятдошларинг айтаётган адолат қарор топади.

Шакар СУННАТОВ, «Тонг юлдузи» газетасининг махсус мухбири.



## **КУВОНЧ УЛАШИБ**

Қадимий одат ва удумларимизнинг, қадриятларимизнинг тикланиши узок йиллар эътибордан четда ёрдамга мухтож ва кунгли ярим кишилар учун яхши иш бўлди. Чунки, кишилар фикри соғломлаша бошлади, мехр-оқибат юзага чиқди. Бунинг исботи сифатида якиндагина — Навруз айёми арафасида Қуқон шахар Ешлар Иттифоқи ўтказган тадбир ҳақида айтиб ўтмоқ-

Хар қандай дабдабадан холи булиш ниятида ташкилотчилар бу тадбирни Хайрия дам олиш кечаси деб ном-лашди. Шахар Ешлар Итти-фоки Қуқондағи 12-, 14-, 17фоки қуқондағи 12-, 14-, 17-болалар уйи тарбияланув-чиларини Хамза театрига таклиф этишди. Давлат рамогидаги ана шундай кич-кинтойларнинг 77 нафарига омонат дафтарчалари очилди. Ешлар Иттифоки ана шу дафтарчалар эгаларининг икки нафарига минг сумсўмдан пул ўтказдилар. Бу та-шаббусга кўшилиб Хайрия дам олиш кечасига ташриф буюрган тикувчилик фабрикаси хам икки нафар болалар уйи тарбияланувчиларининг омонат дафтарчаларига минг сўмдан ўтказдилар. Кўкон пойабзал фабрикаси 12 минг сўмлик махсулотни болалар уйларига таксимла-ди, ип-йнгирув фабрикаси 3000 сўмлик пайпок ва пайпок иштончалар хадя этди. «Электромаш» заводи икки минг сум пул ажратди.

Ушбу тадбирлардан сунг Хамза театри биносида кечгача мусика ва кушик янгради. Хайрия дам олиш кечасига йигилган кичкинтойлар концерт номерлари куйиб беришди, куйга қушиқ уланди. Болаларнинг бу кунги кувончи хеч ёдларидан чикмаса керак.

Шарофатхон АБДУЛЛАЖОНОВА. Кукон шахар Ешлар Иттифоки кумитаси ходими.

# ЗАВОЛ ТОПГАН АДОЛАТ

«Отам 1978 йилдан бери дукук-тартибот органларида иш-лаб келади. Бугунги кунда 250 сўмлик маош билан 10 жондан ортик оилани вранг тебратиб турибди. Гап бунда хам эмас. Алам циладигани, отам бир неча муддат ишсиз юрди, эл олдида ёмон номга колди. Биз, фарзандлар эса ўр-токларимиз, ўкитувчиларимиз олдида бош кўтара олмай

> Собир АБДУНАЗАРОВ, Сурхондарё вилояти, Жарқурғон туманидаги 12-мактаб».

бир инсон такдири туради, унга муносабат билдирмаслих ёки совукконлик билан караш ҳаётини ағдар-тўнтар қилиши, унинг бу дунёнинг ишларига кул силташига олиб келиши мумкин. «Бу дунёда қадақиқат нисбий тушунча, уни қул билан ушлаб булмайди. У қонун ва компа У қонун ва қоидалар, қужжат-лар, том-том қоғозлар билан ўлчанади. Аммо энг афсусланарлиси, жамиятимизда якинякингача конун сиёсатга, бир гурух кимсалар манфаатига хизмат қилди. Бунинг учун ўтган «Пахта иши» жарохатларини эслаш кифоя. Хуллас, дунё микёсида нисбий деб билганимиз - хакикат - бизнинг собик СССРда яна хам ғариброк эди. Бизда эгилган хакикат яна қайта тикланганча, нохаклик кимнингдир такдирини синдириб юборарди. Негаки, бизда уни тиклаш учун қоғозбозлик, хужжатлар шу даражада кўп-ки, хар кандай кишининг тин-касини куритиб юборади. Энг осон йўли эса газетага ёзиш. Мухбир бир иложини килиб калавани ечади.

Собирнинг хатидан келиб чикиб фикр килсак, отаси, яъни Бойсун туман халк судининг собик ранси Тура Абдуназаров нохак ишдан олинган. Ун жонни бокиб келаётган отага бу хам маънавий, хам моддий зарба булиши табиийдир. Бир ёқда фарзандлари кучага ёруғ юз билан чиқа олмайди, тенгдошларига қуши-лолмай, ота ҳақда яхши гапларга интик юришади.

T

Аммо катта фарзанд бир фактга таянадики, уни хеч ким рад этолмайди, мана у: «Мен қандай пок булсам, отам хам шундай пок. Отам тазйик остига олинди, хакикатни химоя қилгани учун ишдан бўшатил-ди. «Hera?» дейсизми, сабаби шу қадар оддый, шу қадар тушунарлики, «катталарга ёқмай қолибди» (ўғли Собирнинг гапидан).

Хуш, қандай адолатсизлик рўй берибдики, бугун фарзанд ота учун курашмокликни ташриф буюрдик.

— Бойсун туман судининг собик раиси Т. Абдуназаровнинг мухарририятга йўллаган «Очик хат»и газетада эълон қилиш учун тайёрлаб қуйилган эди, — деб ойдинлик киритди газета мухаррирининг ўринбосари А. Шоймардонов. — Лекин айрим мулохазалар туғилиб ундаги далиллар тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаш максадида текшириш учун адлия вазирлигига юбордик.

Вазирликнинг суд идоралари бошкармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи А. Алимухамедов имзоси билан қуйидагича жавоб хати олинган:

«Очиқ хат» Узбекистон Адлия вазирлиги томонидан текшириб чикилди. Унда Т. Абдуназаров томонидан курсатиб ўтилган важларнинг асосий кисми, яъни Ш. Жумаев, Ч. Аллаёров, Д. Тўраев, Х. Мухаммадиевларнинг судьялик иш фаолиятларига алокадор бўлган холатлар текшириш натижасида ўз исботини топмади. Шуни хам айтиб ўтиш керакки, очик хатда келтирилган айрим холатлар ўз вактида маълум бўлиб, тегишли чоралар курилган эди»,

Шу ерда хакли савол туғи-

лади: 1. «Т. Абдуназаров томони-дан курсатиб утилган важлар» дейилганда, кайси важлар назарда тутилмокда? (Бу ишлар жавоб хатда курсатилмаган, биз у хакда кейинрок тухта-

2. Т. Абдуназаров кўрсатган важлар асоссиз булса, «тегишли чоралар» кимга нисбатан курилган эди? Мантик қа-

«Т. Абдуназаровнинг ишида сохталикка йўл қўйилганлиги учун муддатидан олдин судьялик вазифасидан чакириб олиш масаласи Узбекистон ССЖ адлия вазирлиги хайъатида 1988 йил 12 декабрда кўрилган ва вакил юборилган. Аммо сайловчиларнинг берган овозлари натижасига биноан у ўз хизмат вазифасини 1990

ишончини окламаган»ликда

Ана энди хакли савол куяйлик: биз кимга ишонайлик?

Бизга аёнки, қонун жамият ва хаёт учун зарур бўлган барча тартиб-қондаларни ўзида мужассам отган. Кимдир билмай, кимдир билиб бу конунларни бузиб, ўз сиёсий гурухлари томон ён берар экан, бундан албатта, беайб одам зарар куради. Модомики, конунлар бузилган экан, бунга ким жавоб беради? Улар хокимлик қилаётган мухитда бун-га жавоб тахт: албатта, ожиз одам жавобгар. Лекин у ожиз одам бўлмай, «Хор бўлсам бўлайки, лекин ён бермасман» деб қатый олишмоқчи, дангалчи одам булиб чикса-чи, унда нима булади?

Мана бундай булиши мум-

### ВАЪДАГА ВАФОЛИК...

Т. Абдуназаровга боглик хужжатларни текшираётганда қулимга қизиқ бир епилган иш тушиб қолди. У қуйидагича бошланади: «Термиз шаҳар халқ судининг раиси ўртоқ З. С. Катаевага.

ДАЪВОГАР — Гагарин тумани, Комсомолобод посёлкаси У. Қувондиқов кўчасида исти-комат қилувчи Баходир Асқаров томонидан

Мен (Б. Асқаров) Сурхондарё вилоят адлия бошкармасига Сурхондарё вилоят судидан 1990 йил 6 июнь куни келишилган холда ишта ўтиб, аввал назоратчи буйича 1категорияли мутахассис, сўнг суд ишлари бўйича етакчи мутахассис вазифасида ишлаб

Оилавий шароитим ёмонлиги туфайли 1990 йил 2 декабрь куни ўз хохишим билан ишдан бушаш қақидаги аризани олиб Х. Мухаммадиев олдига кирдим ва тушунтирдим. У киши «Сен олти йил ўкидинг, нахотки хаммаси зое кетса. Ахир сени яхши ният билан ишта олганман, ишлаб тур, сўнг маслахатлашамиз» дедилар.

Райини кайтаролмай ишлаб юрдим, анча вакт ўтди. Бир кун... олдиларига чакирдиларда, «нима карорга келдинг?» дедилар. Мен «ишлайман» де-



## 50 СУМГА БИР ОЛАМ КУВОНЧ

Бугун фарзандингизиниг туғилган куни. 50 сум пулга чига бир олам кувонч бахш этишник хохлайсизми? Унда мархамат, «Тонг юлдузн» мухарририятига муро-

Манзилгохимиз: Октябрь инкилоби бекати, Ленин-ад кучаси, 32-уй. Газеталар корпусининг 7-кавати. град кучаси, 32-уй. Газеталар корпусининг

Эслатиб ўтамиз: сурати билан табрик эълон қилдириш учун 50 сўм, суратсиз 45 сўм микдорида пул ўтказиш

Мухарририятимизга келишиниг имконияти булмаса, почта оркали «Тонг юлдузи» нинг куйндаги хисоб ракамига пул ўтказиб, квитанцияснии бизга юборсангиз кифоя:

УЗБЕКИСТОН САНОАТ-КУРИЛИШ БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ШАХАР БУЛИМИ. ХИСОБ РАҚАМИ: 000363106. КОД: 172682328, КОРР. СЧЕТ 300166428. АЛОҚА УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 33-44-25, 33-49-45.

«ТЮ» тижорат дирекцияси.

Углим Журабекжон!

Кутлуғ 10 ёшга тўлган кунинг билан самимий қутлаймиз. Сенга соғ-саломатлик, ўқишингда муваффақиятлар тилаймиз.

Ибодулла Мирзановлар онласи. Самарқанд вилояти, Қуш-

работ тумани, Жуш кишлоғи.

Бизалогимиз Санда!

Сени 12 бахоринг билан табриклаймиз. Сихат-саломатлик, укишларингда муваффакиятлар тилаймиз. рансдан табассум аримасин!



Мамадиёровлар оиласи. Жиззах вилояти, Зомин туманидаги Култепа кишлоги.



Азиз кизим. Гулбахор!

Сени саккизинчи бахоринг билан чин дилимиздан кут-

Сенга узоқ умр. сихат-саломатлик, ўкишларингда катта ютуклар тилаймиз.

Норматовлар онласи. Кибрай тумани, Кибрай давлат хужалиги булими.



У этигини қуритаркан биз озгина бўлса-да, хамсухбат бўлардик: У икки синф пастда ўкиса-да, мен билан дустлашиб кетганди. Самовардаги иссиқ сувдан фа-қат унгагина берардим. Аввалига у мен билан шу-нинг учун муносабат қи-лаётгандек туюлди. Кейин-чалик ҳеч нарсани мендан сир сақламади. Тўгриси, ундан яширадиган сирнинг ўзи йўқ эди. У мисоли бир булоқ суви эдики, хали хеч ким унинг дилини лойқалатган эмасди. Эсимда, қизлардан бири этиги тумшуғи тешилганини айтганида у ўзини тутолмай ўксиб йиглаганди. Эхтимол, ўшанда у ёмонликка илк бор дуч келгандир. У шунчалик хокисор эдики, хеч кимга кек сақлаб юрмас ва буни эплай билмас эди. Уша куни хам у узок хафа бўлиб ўтирмади.

— Нимаям қилардик, ҳар ким борини кияди-да, деди у болаларча жун либ. Бирок унинг бу сузлари остида таскиндан кура гина купрок эди. Бу шундай бир гина эдики, Зулайхонинг соддадил, очик

Бўлинглар, нон-пон олавермайсизларми, энди? — дердим мен ётоқ-хонага олазарак куз югур-тирарканман. Унинг шийпонга кирмаганлигига ишонч хосил қилгач, бир пас кутишга, ўшанда хам келмаса, бирор нимани бахона қилиб шийпон орқасига ўтишга жазм қилдим. У шийпон ортидаги эски зовурнинг ёкасидаги тўнка

устида ён-атрофдан тошларни сидириб майла олиб. зовурга битта-битта отиб ўтирар, ўзини хотиржам кўроатса-да, нимадандир қаттиқ изтиробда эди. Қадам товушини эшитиб мен томонга ўгирилди-да, «кела-веринг», дегандек зўрма-зўраки жилмайиб қуйди. Мен ёнига ўтиргач ҳам у

машғулотини тўхтатмади: тош отаркан зимдан разм солиб қуярди. Тошлар сув юзида жичик-кичик қобчалар ясар, улар секин ёйилиб йўқоларди. Буни мен хозир хам худди кеча-(Халқобгидек эслайман. лар лабда пайдо бўлган табассум мисоли аста-секин чехрага ёйилиб йўколгандек ўчарди). Мен ортидан «рахмат» деганда Зулайхонинг қайрилиб жилмайиб куйганини эслатади.

Виласизми, Темур ЭШБОЕВ Mi soul хикоя

кўнгил рухига қўшилиб, унянада латофат бахш р эди. У кўнглига ёқмас барча нарсаларни рад этар, бирок ўшаларга нисбатан заррача хам нафрат, газаб пайдо булмасди. Мен кутмаган биргина айби: у адабиётни, умуман ўкишни ёктирмасди. Айни пайтда куй-қушиқларни севиб тинглар, самолётда учиш унинг орзуси эди. Самолёт учиб ўтиб қолгудек бўлса, у севиниб кетар, ўзини худди чексиз орзуларидан бири ушалаёттандек сезар эди. — Самолётда учиб узок-

узоқларга кетсанг, — дерди у, — хеч бир ташви-шинг булмаса.

Шунда харчанд уринмасин, мурғак бошидаги ташвишларини унута олмас, гохида булар унга оғирлик қилаётганини билдириб қилаётганини билдириб қуярди. Қандайдир нохуш қуярди. қандандар нолуш хабарни кутиб, ундан қочиб яшар, ўша эсига тушиб го-хида хомуш тортиб қолар-ди. Шунда саволларимга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб нарига ўтмас, мен хам унинг нима истаётганлигини англаб, ёлғиз қолдирардим. Қайтиб келга-нимда у ўрнида бўлмасди. Уша куни уни қайтиб кўрмасдик.

Бугун у этигини қуритгани келмади. Шийпоннинг орқа тарафига ўтганича орқа тарафін айланиб ўтиб кайтмади. Мен айланиб ўтиб ичкарига киргандир деган ўйда кизларнинг ётокхонасига бир-бир бош сукдим.

(Давоми, Бошланиши ўтган сонларда).

Зулайхо орадаги жимликни бузиб. Мен унга нимани дегандек ялт этиб қайрилдим, у нигохини сувдан уз-май давом этди. — Мени битлаган деб гап тарқатишибди. Утган куни Хосиятга бошимни қаратгандим, сиркаям йўқ деган эди.

У буларни сўзлаб берар экан, мендан таскин кут-ганди. Буни менга илтижоли нигохидан бирор нарса денг, дегандек тикилиб тур-ган кузларидан билса буларди. Кўзларимни ундан олиб қочдим. Таскин ҳам, барчасини айтиб беришга, журъат хам тополмадим. Муносабатларимиз лашиб кетишидан қўрқдим.

Бўлмаса, бу гап қаердан чикди, — дедим гуд-раниб. Мен нима деганимни, бу гапим уни хафа кимумкинлигини лиши тиб бўлгандан кейингина англадим. Зулайхо сиз хам шу гапга ишонасизми гандек бир пас мендан куз узмай турди. Кейин секин-

- Хаммаси қуруқ тухмат, мени яккалаб моқчи, — деди-да, ўрнидан шахд туриб, аразлагандек шийпонга кириб кетди. Кечки овкатдан кейин

мактабимиз директори кел-ди. Кичкина йигилиш ўтказиб Зулайхонинг ўзбошимча деб койиб эртага ишга чиқмай бошини тозалатишни айтиб кетди. Ошпаз холанинг хикоя килишича (унга Файзулла муаллим айтибди), директоримизга қушни мактаб, директорининг: ўрток Нуриддинов хар замон бошингизни тозалаб туринг деган хазили оғир ботиб-

Оғир ботмай-чи, Нуриддиновнинг бошида бир тук булмаса, — деди ош-паз хола ўзига хос, пишиллашга ўхшаш кулгуси аралаш.

Уша тун «ўнинчи»нинг машшоқлари-ю, «фольклорлар» и самовар ёнида бироз базм қилишди. Қолганлари одатдаги кечки ғимир-ғимирлари билан банд бўлишди. Зулайхо шийпондан ташқарига чиқмади. У пой-гакка, худди кечагидек кўрпасини ярмини тушаб, ярмини ёпиниб ётиб олди. Ииглаётгани билиниб рарди.

Эрталаб у иссик сув учун хам келмади. Купчилик қизлар қатори совуқ сув билан юзини чайиб куя қолди, чоғи. Мен ниманидир сездимикан, деб хаво-тирга тушдим. Хаммаси тугади, деб ўйладим. Хар тугул бундай эмас шекилли, қизлар далага — теримга чиқиб кетгач, у мени чақи-риб қолди. Мен у ўтирган хона — қизларининг ётоғига кирганимда, сочларини тараб бўлиб, елкалари узра ёйнб ташлаб ўтирарди. Эшитаман дегандек кесакисига суяниб бир пас турдим.

- Сизга бир гапни айтсам, хеч кимга айтмайсиз-ми? — деди у кўзларимдан нигохини узмай. Мен сухбат чўзилади деган ўйда оёгимни ечиб, хонага кирдим. «Айтавер, қулоғим сенда» дегандек, қаршисига чукка тушиб ўтириб олдим. да» дегандек,


У хаммасини айтишга ол-диндан тайёрланган, хеч булмаганда шунга ахд килган шекилли, хеч кимга айтмайман деган ваъдамни кутиб ўтирмасдан барини тукиб солди.

— Мен икки кундан бери хув ана у ерда ётаяп-ман, — деди у овози титраб, нигохи билан пойгакка ишора қилар экан. — Узим олиб келган курпанинг ярмисини ёпинаман, ярмини тушайман. Икки кундан бери совукдан, нам ўтганидан оёгимнинг томири1 тор-тилиб қолади. — У шу ер-га келганда ўзини тутолмади, йиглаб юборди.

У узок йигламади. Кўзларини рўмолнинг учига артиб тезда тинчланди. Чамамда биров келиб колмасдан хаммасини айтиб олай деб, вақтини қизғанарди.

- Биласизми, буларнинг бари нега? — у саволомуз менга нигох ташлади, билишончи комил маслигимга бўлганлиги боис, тезда да вом этди. — Утган кун Нозигул менга битта хат олиб колувди, шуни олмаган эдим. Нозигулнинг юзига олмаган отиб юбордим, ёшлик ламан дедим. Хамма-хаммасини Нозигул алам олиш учун қилиб юрибди. Синглиси Хосият билади-ку, менинг бошимда бит йўклигини. У яна рўмолини юзига босганча жимиб қолди. Буни Хосиятгина эмас, мен хам билардим. У хатни олмаган тунда, Нозигул фи гони осмонга чикиб келди.

1. Мускули демокчи. (Давоми бор).



Тахрир хайъати:

В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ [бош мухаррир ўринбосари], А. КУЧИМОВ, М. РАХИМБЕРДИЕВА,

Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ [масьул котиб].

Таъсис этувчи: УЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОКИ МАРКАЗИЯ КУМИТАСИ

манзилгохимиз: ТОШКЕНТ ШАХРИ. 700083, ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.

Газета хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чикади.

Марлумот учун телефан: 32-54-21

• Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриётматбаачилик концернининг босмахонаси.

Тошкент шахри, 700083, Ленинград иўчаси, 32-уй Чоп этиш вакти — 18.00.

Буюртма № Г-27. Нашр курсаткичи 64563.